ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

В. И. Ленин Қизил майдонда нутқ сўзламоқда. РСФСР халқ рассоми П. Васильев.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-йил чиқиши

№ 220 (4679).

7 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1972 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ БИЛАН— КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ!

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Октябрь байрами — совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида улуғ байрам. Нева узра «Аврора» залпи янграган кун биздан қанчалик йироқлашмасин бу байрам 1917 йил октябрининг жанговар, революцион нафаси билан ҳамиша йўғрилгандир. Лекин ҳар бир янги йилликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги бошқа бир шонли сана — Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги билан чамбарчас боғлангандир. Улуғ Октябрь Советлар мамлакати халқларининг чинакам равнақ топишига ва ҳар томонлама ривожланишига асос солди. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошира бориб, тарихан қисқа вақт ичида барча миллат ва элатларни ягона давлатга бирлаштириб, уларнинг куч-ғайратини замонавий саноатни, юксак даражада тараққий этган қишлоқ хўжалигини, илғор маданиятни барпо этишга, коммунистик жамият қуришга йўналтирди.

Бизнинг халқимиз Октябрнинг 55 йиллигини кутиб олмоқда ва партия раҳбарлигида КПСС XXIV съезди белгилаб берган йўлдан комил ишонч билан бора туриб, Совет Иттифоқининг юбилейига монолит жипс ҳолда ҳозирлик кўрмоқда.

6 ноябрда Кремлдаги Съездлар саройида меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шаҳар комитетининг тантанали мажлиси бўлди. Мажлис Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллигига бағишланди. Ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, Москва областининг меҳнатчилари залда тўпландилар. Кўплаб хорижий меҳмонлар, чет эл дипломатлари ҳозир бўлдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқларни тантанали мажлис аҳли қизғин қарсаклар билан кутиб олди.

Президиумда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, СССР министрлари, Коммунистик партия ветеранлари, пойтахтдаги совет, партия ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, ҳарбий бошлиқлар, СССРнинг космонавт учувчилари, шаҳарнинг донгдор кишилари ҳам бор эди.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқининг давлат гимни янгради.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров доклад қилди.

Тантанали мажлис тугади. Ватанимизнинг давлат гимни яна ижро этилди. (ТАСС).

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 55 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНИБ 1972 ЙИЛ 6 НОЯБРДА КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДА

ЎРТОҚ К. Т. МАЗУРОВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар!

Большевиклар партияси, улуғ Ленин раҳбарлигидаги Россия пролетариати бундан эллик беш йил муқаддам зафарли социалистик революция қилиб, помещиклар ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлади, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини барпо қилди.

Россия янги тузум Ватани бўлиб қолганлиги тасодифий ҳол эмас, XX аср бошида бу ерда империализм зиддиятлари жамулжам бўлиб энг кўп кескинлашган эди, пролетар революциясининг қудратли, жанговар сиёсий армияси ташкил топган эди. К. Маркс билан Ф. Энгельс ҳам олдиндан башорат қилиб айтганларидек, жаҳон революцион ҳаракатининг маркази айни шу ерга кўчган эди.

Ўша вақтгача тарихда бўлиб ўтган революциялар оз эмас эди, лекин уларнинг биронтаси меҳнат аҳлини, моддий ва маънавий бойлик яратаётганларни эксплуатациядан ва сиёсий ҳуқуқсизликдан халос қилолмади. Октябрнинг ғалабасигина турмушни илмий коммунизм принциплари асосида тубдан қайта қуришни бошлаб берди, социал ривожланишни қудратли куч билан тезлаштириб юборди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тажрибаси, шу революция туфайли янги жамият қуришнинг амалда рўёбга чиққан қонуниятлари халқаро ишчилар синфининг, бутун дунё меҳнаткашларининг бебаҳо мулки бўлиб қолди. Шу сабабли Улуғ Октябрнинг ҳар йилги байрамини барча мамлакатларнинг коммунистлари, пролетарлари, бутун илғор инсоният биз билан бирга нишонламоқда.

Россия пролетариати бошлаб берган революцион иш кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда ва ғалаба қилмоқда. Улуғ Октябрнинг ҳамма давр учун бебаҳо аҳамияти шундаки, у янги тарихий даврни — капитализмдан социализмга ўтиш даврини очди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси марксизм-ленинизм таълимотининг ҳаққонийлиги ва тантаносининг амалий исботи бўлди. У шундай ижтимоий кучларни ҳаракатга солиб қўйдики, бу кучлар халқларни социал ва миллий озодликка олиб чиқиш учун, социализм ва коммунизмнинг тантанаси учун кескин курашни авж олдириб юбордилар.

Октябрдан сўнг ўтган 55 йил ичида жаҳон тамиз бўлмаслик даражада ўзгариб кетди. Шу сабабли дадил айтиш мумкинки, социал муносабатлардаги биронта йирик прогрессив ўзгариш Октябрь революциясининг таъсирисиз рўй бергани йўқ. Октябрь бошлаб берган революцион жараён давомида жаҳон социалистик ҳамдўстлигини ташкил этган мамлакатларнинг халқлари коммунизм байроғи остида бирлашдилар: мустамлакачилар империяларининг харобаларида миллий давлатлар барпо қилинди, бу давлатларнинг кўплари демократик ўзгартишлар йўлига тушиб олдилар, социалистик йўлни қабул қилдилар.

Бу йилги Октябрь байрамининг алоҳида маъноси бор. Бу йилги байрам улуғ айём — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ярим асрлик юбилейи арафасида нишонланмоқда. Совет халқлари қардош социалистик онлага бирлашганлиги Улуғ Октябрь ишининг — социал ва миллий муносабатларни революцион қайта қуриш ишининг давоми бўлди. Мамлакатимиздаги барча миллатларнинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари, меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг қарорларни амалга оширмоқдалар, СССРнинг ярим асрлик юбилейи шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириб юбордилар. Совет кишилари синалган Ленин йўлидан, Октябрь йўлидан олға боришга азму-қарор қилганликлари миллионларнинг фидокорона меҳнатида, Коммунистик партия тевараги жипслашганликларида ўз ифодасини топмоқда.

I. КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ—ОКТЯБРЬ ИШИНИНГ ДАВОМИ, ИШЧИЛАР СИНФИ ИДЕАЛЛАРИНИНГ МУЖАССАМЛАНИШИДИР

Меҳнаткаш халқ ҳокимиятини қарор топтириш, эксплуатацияни йўқ қилиб ташлаш, инсонга бирдан-бир муносиб бўлган, чинакам ахлоқий тузумни — озод меҳнат ва социал адолат ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат олий мақсадни кўзлаб Октябрь революцияси қилинган эди. В. И. Ленин таълим бериб айтганидек, фақат ишчилар синфигина — «ўтмиш билан алоқасини узиб, келажак янги ҳаётга дадиллик билан йўл оча оладиганлар устига тарих томонидан муқаррар суратда юклананадиган барча қийинчиликларга, азоб-уқубатларга, жабр-жафоларга, катта-катта қурбонларга бардош бера оладиган синфгина...». (Асарлар, 29-том, 405-бет) ҳали ҳеч ким босиб ўтмаган мана шу йўлдан халқ оммасини бошлаб бора олди.

Социализмни зафарли қуриш — Коммунистик партиянинг, ишчилар синфининг, бутун Совет халқининг жуда катта тарихий хизмати бўлди. Биринчи беш йилликларнинг ўзнёқ мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маданий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Хўжаликдаги ва маданиятдаги қолоқлик, эксплуататорлик, ҳусусий мулкчилик муносабатлари, ўзаро миллий урушлар, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқлиги абадий йўқотилди.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари манфаатларининг, идеалларининг ва ҳаракатларининг бирлиги биргаликда қилинган меҳнатда, янги турмуш йўлидаги курашда вужудга келди. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги янги жамиятни ривожлантиришнинг қудратли омили бўлиб қолди. Социалистик турмуш тарзининг асосий негизлари индустриалаштириш, коллективлаштириш ва маданий революция жараёнида қарор топди. Улуғ Ватан уруши оловида тобланди, коммунистик бунёдкорлик жараёнида янада ҳар томонлама ривож топди.

Совет халқи Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб сақлаб қолиб ва ривожланган социалистик жамият барпо қилиб, социализм замирида ғоят зўр кучлар борлигини ва у инсониятни тараққиёт учун бениҳоя кенг имкониятлар берадиган тарихий погонага кўтаришни исбот қилди. Мамлакатимиздаги коммунистик қурилишнинг ҳозирги кундаги бутун тажрибаси, КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программа бажарилаётганлиги мана шу имкониятларнинг амалий натижаси бўлиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

ПЛАН БАЖАРИЛДИ. ПАХТАМИЗ 4.350.000 ТОННАДАН ОШДИ!

ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҲАМ ШАРАФ БИЛАН АДО ЭТИЛДИ.
2 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА «ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРДА ТЕРИБ ОЛИНДИ.
ЭНДИ БУТУН КУЧ — СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШГА, 4.550.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН КУРАШГА!

ФАРҒОНАЛИКЛАР РАПОРТИ

Фарғона областининг меҳнатчилари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини 6 ноябрда бажардилар. Ватан омборларига 500 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Топширилган пахтанинг 94 процентти биринчи сортларга қабул қилинди.

Пахта тайёрлаш давлат топшириғини биринчи бўлиб бажарган Киров, Ленинград, Риштон, Фрунзе ва Узбекистон районларининг пахтакорлари меҳнат ғалабасига катта хисса қўшдилар.

Кўпгина хўжаликлар юбилей йилида ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Октябрь революцияси орденли «Бешариқ» совхози, «Октябрь 40 йиллиги», «Ғаниобод», Охунбобоев номли, Калинин номли, Ҳамза Ҳакимзода номли совхозлар гектар бошига 30.32 центнердан пахта топширдилар.

35-40 центнердан ҳосил олиш ҳаракатининг ташаббускорлари ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Булар орасида Киров районидаги «Москва» ва «Искра» колхозлари, Ленинград районидаги Охунбобоев номли, «Социализм», Энгельс номли, Фрунзе районидаги Карл Маркс номли, Қува районидаги Карл Маркс номли колхозлар ва ҳар гектаридан ҳозиргача 34.36 центнердан пахта териб олган кўпгина бошқа хўжаликлар бор.

45.50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган бригадаларнинг коллективлари янги марраларни эгаллаядилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 167 та бригада ана шундай ҳосилдорликка эришиб, ўз зиммаларига қўшимча мажбуриятлар олдилар, шу мажбуриятларни бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Пахтани машинада териш даражаси анча ошди. Машиналарда 185 минг тонна ёки планнинг 108 процентти миқдорида пахта терилди. Областда юзлаб машина теримни усталари етишиб чиқди. Механик-ҳайдовчилардан 216 кишининг ҳар бири 250 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб берди.

Фарғона областининг деҳқонлари улкан пахта хирмони учун бу йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитида кураш олиб бордилар. Пахтакорлар бу ғалабага партия, ҳукуматнинг катта ёрдами, область ишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ва юксак махорати туфайли, партия, совет, касаба союз, комсомол ва ишлоқ хўжалик органларининг моҳирлик билан ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари натижасида эришдилар.

Янги ерларни ўзлаштириш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қўшимча сув ресурсларини қидириб топиш, техника тараққиётини ва илмий асосланган алмашлаб экишни пахтачиликка жорий этиш соҳасида катта иш олиб борилганлиги мўлкўл пахта ҳосили учун курашда кўлга киритилган ғалабанинг муҳим шарти бўлди.

Пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда. Область ишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлигига жавобан, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларини амалга ошира бориб, етиштирилган бугун ҳосилни йиғиб-териб олишни тез тугаллаш ва қўшимча суратда яна 50 минг тонна пахта тайёрлаш учун бутун куч-ғайратларни сарфламоқдалар. Шу тарика улар ялпи пахта ҳосилини 550 минг тоннага етказадилар, кузги ишлар тадбирларни ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга ошириб, келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратадилар.

ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи стун — мавсум бошидан бери, учинчи стун — шу жумладан бир кунда машинада терилгани, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери

ОҚҚЎРҒОН	0,69	116,15	0,26	124,63
ПИСКЕНТ	0,34	109,32	0,19	105,30
БЕКОБОД	0,76	105,98	1,00	101,62
БЎКА	0,34	104,10	—	100,68
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,11	103,19	—	101,70
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,32	103,43	—	103,52
ЯНГИЙЎЛ	0,64	101,54	0,39	110,34
Область бўйича:	0,51	106,90	0,28	109,39

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

(Боши биринчи бетда).

Социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида экономикани янада мустаҳкамлаш, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишнинг съезд белгилаб берган йўли оғишмай ўтказилиб келмоқда.

В. И. Ленин васият қилиб қолдирган традицияга кўра, революцион байрам кунларида Совет кишилари тўпланган тажрибаларни «бундан кейинги ривожланиш учун яна яхшироқ тайёрланиш» мақсадида якунлаб оладилар, «меҳнат соҳасидаги ғайрат ва ташаббус билан, меҳнат иродаси ва сабот билан» қуролланмоқ учун диққат ва эътиборни ечилмаган вазифаларга тўплайдилар. (Қаранг: 30-том, 114-бет, 31-том, 423-бет).

Совет кишилари Улуғ Октябрьнинг 55 йиллигини ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар.

Реализация қилинган саноат маҳсулотининг умумий ҳажми ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш жиҳатидан беш йилликнинг иккинчи йилдаги ўн ойлик план, беш йиллик биринчи йилининг плани каби тўла бажарилди. Барча иттифоқдош республикалар, шунингдек деярли барча умуминттифоқ ва иттифоқ-республика саноат министрликлари саноат маҳсулотини реализация қилиш топшириқларини адо этдилар . Икки ярим мингдан кўпроқ янги хил буюмларни ишлаб чиқаришга киритилди. Саноат ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди, маҳсулот таннархи пасайтирилди, фойда олиш плани бажарилди.

Совет индустрияси тез ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариши 6,9 процент кўпайди. Бу рақамни муносиб баҳоламоқ учун ҳозирги ишлаб чиқаришимизнинг миқёсларини кўз олдимизга келтиришимиз керак. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг ўзигина 1940 йилда ишлаб чиқарилган жамики саноат маҳсулотининг ҳажмига тенг келиб қолади.

Қишлоқ хўжалик ходимлари Октябрь байрамини фидокорона меҳнат билан нишонладилар. Ҳаммага маълумки, бу йил иқлим шароити ниҳоят даражада ноқулай бўлди. Қиш қаттиқ ва кам қор бўлганлиги сабабли кузда экилган галлани деярли учдан бир қисми нобуд бўлди, ёзда эса Волга бўйи, мамлакат жанби ва марказининг кенг зоналари кейинги юз йил ичида мисли кўрилмаган қурғоқчиликка учради. Шарқда донли ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилди, лекин ёғингарчилик бу экинларни йиғиштириб олишни қоят қийинлаштирди. Мана шу мушкул шароитда колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ниҳоят даражада уюшқоқлик билан ишлаб, галла учун чинакам курашни авж олдирдилар, етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун ҳамма чораларни кўрдилар.

Натижада бу йил етиштирилган донининг миқдори ўтган беш йиллик ичида эришилган йиллик ўртача даражага тахминан тенглашиб қолади, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми эса бу даражадан ошиб кетади. Бу миқдор халқ хўжалик планида мўлжалланганига нисбатан гарчи камроқ бўлса ҳам, аммо бир зарур озиқ-овқат ва уруғлик фондларини гамлаб қўйишга, чорвачилик учун муайян миқдорда дон ажратиб беришга муваффақ бўлдик. Бунда Қозоғистон ва Олтой, Сибирь, Урал, Россия Федерациясидаги бир қанча бошқа областлар ва Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқ бўйи ва Закавказье республикалари деҳқонларининг, шунингдек саноат ва транспорт ходимларининг, Совет Армияси жангчиларининг, ўримйиғим маъракаси чоғида қишлоқ меҳнатчиларига ёрдам бериб турган барча кишиларнинг хизмати айниқса катта. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон Совет Социалистик Республикаларининг деҳқонлари пахтадан яхши ҳосил етиштирдилар ва пахта тайёрлашни муваффақиятли олиб бормоқдалар. Мамлакат чорвадорлари ҳам бирмунча яхши ишладилар.

Қишлоқ хўжалигимиз ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир эканлигини тажриба кўрсатиб турибди, чунки у ривожланган социалистик жамиятнинг бақувват экономикасига, техника билан кўп миқдорда таъминлаб қўйилганлигига, дала ва ферма меҳнатчиларининг маҳоратига, қардош республикаларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашига таянмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси партиянинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги сиёсати тўғри сиёсат эканлигини, омма орасида партия катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганлигининг натижаси эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Саратовлик колхозчи Михаил Илларионович Китаев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнева ёзган ва «Советская Россия» газетасида эълон қилинган мактубида совет кишиларининг фикри-зикри ва ҳиссиётларини, улар партия сиёсатини сидқидилдан қувватлаётганликларини жуда таъсирли қилиб ифодалаб берди. Ўртоқ Китаев якка деҳқонларнинг турмуши қандайлигини, айниқса Волга бўйи деҳқонлари учун даҳшатли бўлган 1921 йилни яхши билади. Шу ўлкаларда 1972 йилда тағин ҳам кўпроқ қурғоқчилик бўлди, лекин, кекса колхозчининг мактубида айтилганидек, бу сафар «ишчи ва деҳқонлар мустаҳкам иттифоқ бўлиб ва мамлакатдаги барча республикалар иттифоқига таяниб, Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати халқ бахт-саодати тўғрисида қилаётган жуда катта ғамхўрлик туфайли бундай табиий офатларни муваффақиятли енгмоқдалар... Бизнинг колхозчиларимиз ҳозир ҳеч қандай қўрқоқчилик офатини сезаётганлари йўқ ва бу йил галла ва сабзавот билан тўла-тўкис таъминландилар». Совет деҳқони одамларга, коллективчи кишини тарбиялашга қилаётган ғамхўрлиги учун, колхоз тузумини мустаҳкамлашга, социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тинимсиз диққат ва эътибор бериб турганлиги учун партиямизга, унинг Марказий Комитетига сидқидилдан ташаккур айтади.

Совет олимлари техникани тараққий эттиришга, мамлакат экономикасини ва маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Илмий коллективлар бир қанча жуда катта ва муҳим амалий проблемаларни ҳал қилиб бердилар. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси кенгайтирилмоқда, тадқиқотларнинг натижаларини халқ хўжалигига жорий қилиш тезлаштирилмоқда.

Совет фани билимнинг кўпгина энг муҳим соҳаларида етакчи мавқе олиб турибди. Юксак ҳароратли плазма физикаси, ядро физикаси соҳаларида кейинги йилларда катта кашфиётлар қилинди, лазерларнинг янги типлари яратиб берилди. Химиклар ҳоссалари олдиндан белгилаб қўйилган полимерлар ҳосил қилишнинг перспектив методларини ишлаб чиқдилар. Биология соҳасида, ер тўғрисидаги фан соҳасида ўтказилган тадқиқотлар қимматли натижалар берди.

Ватанимиз фани космик фазони ўрганишда жуда катта муваффақиятларга эришди. Бизнинг космик техникамиз қуёш системасининг олис районларини ва самовий жисмларни тадқиқ қилишнинг қудратли қуроли бўлиб қолди. олис телефон-телеграф алоқасини, телевидениени ривожлантириш, табиий ресурсларни ўрганиш проблемалари ҳамда муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа амалий масалалар космик техникамиз ёрдамида муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Экономиканинг муваффақиятлари, иқтисодий меҳнат унумдорлиги ошиб бораётганлиги халқ фаровонлигини ошириш борасида КПСС XXIV съезди белгилаб берган кенг программани амалга оширмоқ учун мустаҳкам негиз бўлмоқда, бу программа планли ,равишда ва тинимсиз амалга оширилмоқда.

СССРдаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи фонди 1972 йилнинг ўзидагина 9 миллиард сўм кўпайди. Врачлар, муаллимлар ҳамда мактабгача тарбия болалар муассасаларнинг тарбиячилари меҳнатига тўланадиган ҳақ бу йил анча оширилди. Ўрта махсус ўқув юртлари студентлари ва ўқувчиларининг стипендиялари ошириларилди, касалхоналарда бериладиган овқат ва дори-дармонларга кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига олаётган тўловлар ва имтиёзлар бир йил ичида 4,4 миллиард сўм кўпаяди.

Мамлакатда жуда кенг миқёсда уй-жой бинолари қуриш ўтган йиллардаги каби давом этмоқда. Бу йил 11 миллион нафардан кўпроқ киши янги уйларга кўчиб ўтади ва ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаб олади.

Халқ фаровонлигини ошириш программасида меҳнатга тўланаётган ҳақини, ижтимоий истеъмол фондларидан берилаётган тўловлар ва имтиёзларни мунтазам равишда ўстириб бориш ҳам, шунингдек аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни шунга яраша кўпайтириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Беш йилликнинг ўтган йили ва ўн ойи мобайнида енгил саноатда, озиқ-овқат саноати тармоқларида истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчи икки юз етмиштага яқин янги корхона ишга туширилди, яна тўрт юзта корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кўпайтирилди; мингтадан кўпроқ янги корхона қурилмоқда; ишлаб турган цехлар, фабрикалар ва комбинатлардан уч мингга яқини реконструкция қилинмоқда.

Молларга бўлган талаб йилдан-йилга тобора тўлиқроқ қондирилмоқда, уларнинг хиллари янгиланмоқда ва кўпайтирилмоқда. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида аҳолига давлат ва кооператив савдоси орқали 144,6 миллиард сўмлик ёки 1971 йилнинг шу даврига нисбатан 7 процент кўп саноат ва озиқ-овқат моллари сотилди, шу жумладан, гўшт маҳсулотлари 9 процент, сут маҳсулотлари 3 процент, тухум 14 процент, маданий-маиший моллар 13 процент кўп сотилди. 1 ноябрдаги маълумотларга кўра, савдога ва умумий овқатланишга ўтган йилнинг шу даврига қараганда бир миллион тонна кўп картошка берилди.

Жамиятнинг моддий фаровонлиги юксалиб борган сари меҳнаткашларнинг маънавий талаби ҳам ошиб бормоқда. Совет Иттифоқи халқнинг билим ва маданият даражаси энг юксак погонадаги мамлакатдир. Бизда 55 миллиондан ортиқ киши олий ва ўрта маълумотга эга. Бизнинг мамлакатда бошқа ҳар қандай давлатдагидан кўпроқ китоб, газета ва журналлар нашр этилмоқда. Адабиёт ва санъат усталари халқнинг бадиий бойлигини кўпайтирмоқдалар. Кино, телевидение ва радио совет кишиларининг маънавий ҳаётида тобора катта роль ўйнамоқда. Совет ҳокимияти йилларида тарбияланиб воғга етган олим ва инженер-техник зиёлилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимлари ўзларининг талантларини, билимларини ва ғайратларини коммунистик қурилишга сарфлямоқдалар. Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларнинг, барча миллатлар ва элатларнинг намояндалари кўп миллатли совет маданияти хазинасига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишдаги ютуқларимиз билан ,партия ва халқнинг иродаси, миллионларнинг таланти ва меҳнатини ўзида мужассамлаштирган муваффақиятларимиз билан ,халқ равишда фахрланамиз. Совет кишилари КПСС XXIV съезди белгилаб берган режаларни ўзларининг жонажон ишлари деб бажараётганликларини кўрсатувчи янгидан-янги далиллар ҳар кун намоён бўлиб турибди. Совет кишиларининг ўз бурчларига онгли, ижодий муносабатда бўлаётганликлари, уларнинг тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш тўғрисида, Ватанимиз қудратини янада ўстириш тўғрисида қилаётган гражданлиқ ғамхўрлиги завқ-шавқ билан қилинаётган меҳнатда, авж олдирилаётган социалистик мусобақада ўз ифодасини топмоқда.

Хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш ҳозир асосий вазифа бўлиб турибди. Халқ хўжалигидаги барча бўғинларнинг пухта ишлаши беш йиллик иккинчи йилининг маррасида айниқса зўр аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Саноат корхоналарининг ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари ишлаб чиқариш ва қурилиш давлат планининг ҳеч сўзсиз бажаришини таъминлашлари, ишлаб чиқаришни қувватларини тезроқ ўлаштиришлари, технологияни такомиллаштирмоқ ва меҳнат унумдорлигини ўстирмоқ учун, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширмоқ учун резервлардан тўлароқ фойдаланишлари лозим. Биз электр энергия ва ёқилғини, хом ашё ва материалларни исроф қилиш фактларига индамай қараб туролмаймиз. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати талаб қилганидек, иқтисодий тежашга риоя қилиш планларимизнинг амалга оширилишига актив ёрдам беради. Ҳар бир иш жойида камроқ меҳнат ва вақт сарфлаб, кўпроқ яхши ва юқори сифатли маҳсулот олиш зарур.

Партия ва давлат қишлоқ хўжалиги масалаларига бундан буён ҳам алоҳида эътибор беради. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини тағин ҳам зўр бериб мустаҳкамлаш, комплекс механизацияни жорий қилавериш, ерларни мелиорация қилишни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва химикатлар билан тағин ҳам кўпроқ миқёсда таъминлайвериш, энг янги технологияни тезроқ ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, юксак даражада унумли меҳнат қилишни ҳар тарафлама рағбатлантириш лозим. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг партиямиз ишлаб чиққан узоқ муддатли ва комплекс программаси умумхалқ иши бўлиб, оғишмай амалга оширилаверади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ партия ташкилотлари, колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари хўжалик фаолиятининг натижаларини ҳар томонлама анализ қилмоқдалар, тўпланган тажрибаларни умумлаштирмоқдалар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишга, чорва ҳисловини уюшқоқлик билан ўтказишга, 1973 йилда экилардан мўл ҳосил олишга, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган қўшимча чора ва тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар.

Ўртоқлар! Социалистик жамиятни янада ривожлантириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш экономикага қилинаётган раҳбарликка кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда айтиб ўтганидек, экономикага раҳбарлик қилиш «революциядан кейинги барча вазифалар орасида энг мураккаб ва энг ижодий вазифа деса бўлади. Ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, бу ишда ҳам бизни ташвишлардан бир йўла ва абадий қутқарадиган узил-кесил қарорлар мутлақо йўқ. Экономика мураккаб ва муттасил ўсиб турадиган организмдир, экономикадаги ривожланишнинг ўзи ҳар доим янги проблемаларни келтириб чиқараверади».

Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши бутун хўжалик фаолиятимизга баҳо бериш учун асосий ўлчов, мезондир. Биз мана шу кўрсаткичга қараб ишлаб чиқариш техника билан қай даражада қуролланганлиги тўғрисида ҳам, иқтисодий қурилиш планларини бажаришга ҳар бир ходимнинг, коллективнинг, тармоқнинг қўшаётган ҳиссаси тўғрисида ҳам, хўжаликни бошқариш қай даражада натижали бўлаётганлиги ҳақида ҳам объектив равишда фикр юрита оламиз.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даврида меҳнат унумдорлиги саноатдаги ҳар бир ишловчи ҳисобига 12 процент ошди. асбобсозлик, автомобиль, нефть химияси, кўмир ва химия саноатлари сингари тармоқларда эса тағин ҳам кўпроқ миқдорда ошди. Бироқ халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида меҳнат унумдорлигини янада ошириш имкониятлари ҳақиқатдан ҳам жуда катта, ҳар бир кишининг онглилиги, меҳнатга муносабати, профессионал маҳорати, ишчилик бурчини чуқур тушуниши бу соҳада ҳам ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Ленинграддаги «Рабочий» фабрикасининг тўқувчиси Екатерина Яковлевна Демидова бу тўғрада «Известия» газетасида бундай деб ёзган эди:

«Ҳозир биз, ишчиларнинг ҳар биримизда ўзимизнинг шахсий беш йиллик режамиз бор. Бу режада ҳар биримизнинг малакамиз ҳам, тажрибамиз ҳам, фабрика биздан нималарни кутаётганлиги ҳам — хуллас ҳамма нарса ҳисобга олинган. Цехимизнинг ҳам, умуман корхонамизнинг ҳам беш йиллик режаси бор. Бинобарин, бундай ўйлаб қарасам, бизнинг асосий, давлат беш йиллик планимизни ишчилардан бири бўлган ўзим бошлаб берар эканман ва ўзим адо этар эканман.

Хуллас, унинг самаралари нечоғлиқ салмоқдор бўлиши, қанча кўп бўлиши ва сифати қандай бўлиши ҳаммамизга боғлиқ. «Ҳаммамизга» демак, ҳар биримизга боғлиқ. Менга, сенга, ўртоқларимизга боғлиқ...»

Ўртоқ Демидова сўзининг устидан чиқаяпти. Унинг меҳнати — коммунистик онглилик намунаси, жамиятимизда меҳнат аҳли ўз зиммасидаги юксак вазифани тўғри тушунганлигининг намунаси бўлиб турибди.

Ҳар бир кишининг ўзига ва ўзи билан меҳнат қилаётган ўртоқларига нисбатан талабчанлиги, интизомли ва уюшқоқ бўлиши энг муҳим халқ хўжалиги вазифаси билан — маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши учун олиб борилаётган кураш билан жуда чамбарчас боғланган. Буюмнинг сифати ишлаб чиқаришдаги техникавий, ташкилий ва иқтисодий шароитнинг ифодасигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, ходимлар малакасининг, улар завод шаъни учун, фабрика тамгасининг шаъни учун ўз зиммаларидаги масъулиятни қандай ҳис қилаётганликларининг ҳам ифодасидир. Корхона станоклар ва машиналар ишлаб чиқараётган экан, ўзларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари жаҳондаги энг яхши намуналар даражасида бўлиши керак. Агар корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган экан бу моллар аҳолининг энг талабчан дидига мос бўлиши лозим.

Сифат проблемаси комплекс характерга эга. Бу проблемани ҳал этиш пировард буюмни тайёрлаб бераётганларнинг ҳам, хом ашё, бутловчи узеллар ва деталлар, ускуналар, пардозлаш ва ўраш материалларини етказиб бераётганларнинг ҳам, молни сотаётганларнинг ҳам баҳамжиҳат куч ва ғайрат сарфлашларини талаб қилади. Яхши буюм — ҳар бир ишчининг ҳар бир операцияни бажаришда халол, малакали меҳнат қилишининг, технологияга қатъий риоя қилишининг натижасидир. Ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг ўзлари ҳам шуни унутмасликлари керакки, меҳнат унумдорлигини ошириш каби юқори сифатли маҳсулот чиқариш ҳам техникани такомиллаштиришни, энг прогрессив технология жараёнларини жорий қилишни талаб этади.

Бунда иқтисодий ва маънавий рағбатлантиришдан, омилкорлик билан фойдаланиш ўз ролини ўйнаши лозим. Социалистик хўжаликни юритиш ҳар хил рағбатлантириш чораларини қўлланиш билан бир қаторда иш натижалари учун қаттиқ жавобгарликни — ҳам маънавий, ҳам моддий жавобгарликни тақозо қилади. Бу принцип барча ходимларга ва шулар қаторида хўжалик раҳбарларига ҳам жорий қилиниши лозим.

Социалистик жамият шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондиришни таъминлайди. Ҳар бир меҳнатчиннинг манфаатлари билан бутун халқ манфаатларининг бирлиги мана шунда намоён бўлади. Ватан манфаатини кўзлаб қилинаётган меҳнат социализм даврида фаровонлиқнинг ва шахсий обрўнинг негизи эканлигини, шахснинг жамиятга нисбатан ўсиб бораётган талаблари жамиятнинг шахсга нисбатан талабларини оширишни бевосита тақозо қилаётганлигини совет кишилари яхши биладилар. Шу сабабли ўзгалар ҳисобидан ўз маишатини яхшилашга интилаётганларга — юлғичларга, олиб-сотарларга, социалистик мулкни талаётганларга, дангасаларга, совет граждани ининг шаън-шавкатини қадрламаётган кишиларнинг ҳаммасига нисбатан муросасизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўйиш ярамайди. Ўтмиш сарқитларига қарши, коммунистик ахлоқ принципларини тўла-тўкис қарор топтириш учун олиб борилаётган курашда жамиятимизнинг асосий қуврали — меҳнат коллективлари, шу коллективларнинг жамоатчилик фикри, ишлаб чиқариш ва сиёсий активлиги, партия ташкилотларининг аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориши жуда катта кучдир.

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг амалга оширилиши капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Беш йиллликнинг дастлабки икки йили давомида жамики қиймати қарийб 170 миллиард сўм лик асосий фондлар ишга туширилади — бу эса урушдан олдинги йилларнинг ҳаммасида ишга туширилган асосий фондлардан қарийб уч ярим баравар кўп. Жаҳондаги энг катта Красноярск гидроэлектр станцияси лойиҳада кўрсатилган 6 миллион киловатт қувватни тўла равишда берадиган қилиб ишга туширилди. Тольяттидаги Волга автомобиль заводи, металл, минерал ўғитлар, синтетик тола, машиналар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Ўрта Осиёдаги энг катта подир Норак гидроэлектр станциясининг биринчи агрегатлари яқин кунлар ичида электр энергия бера бошлайди.

Қурувчиларнинг муваффақиятлари шубҳасиз. Бироқ сарфланаётган капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш катта халқ хўжалик резерви бўлиб қолмоқда. Ресурсларни сочиб юборишга қарши, объектларни қуриш ва қувватларни ишга тушириш муддатларини қисқартириш, чала қолган ишларнинг жажмини камайтириш, қурилиш сифатини ошириш ва қиймматини пасайтириш учун кескин курашни давом эттириш зарур. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, айниқса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи «Б» группа тармоқларида бунга эришмоқ керак.

Капитал маблағларни планлаштириш ва уларни фойдаланишда биринчи навбатда унинг халқ хўжалиги учун самарадорлигини мезон қилиб олиб, мана шунга амал қилмоқ керак, умумдавлат манфаатларига амал қилмоқ керак, қурилиш жуда ҳам зарур бўлмаган объектларга капитал маблағ сарфлашдан иборат ҳали ҳам даъвом этиб келаётган тор идоравий манфаатларни кўзлаш ва маҳаллийчилик тенденцияларига зарба бериш керак. Қурилиш индустриясининг ходимлари, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари қурилиш планларини тўла бажармоқ ва янги қувватларни ишга туширмоқ учун, халқ хўжалиги учун сарфланган капитал маблағлардан энг кўп натижа олмоқ учун барча зарур чораларни кўришларига шак-шубҳа йўқ.

Ижтимоий меҳнат нечоғлик яхши ташкил этилса, ишлаб чиқаришни бошқариш нечоғлиқ яхши йўлга қўйилган бўлса у шу қадар кўп самарали бўлади. Бу масалага КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети алоҳида эътибор бермоқдалар. Аввало гап халқ хўжалигини жорий ва узоқ муддатли, тармоқ ва территориал, техникавий-иқтисодий ва социал планлаштириш ишларининг илмий даражасини ошириш устида бораётир. Хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишда мана шундай комплекс, системали йўл тутишнинг ўзи катта аҳамиятга эга.

Мамлакатда тегишли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги тармоқ структуралари ва тармоқлараро структуралар, шунингдек бошқарув методлари амалда синаб кўрилмоқда. Бироқ ҳатто бошқарувнинг энг яхши ташкилий формалари ва жорий қилинаётган электрон-ҳисоблаш техникасининг ўзи халқ хўжалик проблемаларини самарали ҳал этишни гарантияламаб беролмайди. Фан-техника революцияси давомида раҳбарларнинг ўзлари қабул қилаётган қарорларнинг тўғри бўлиши учун жавобгарлиги камаймайди, балки, аксинча, ошаверади. Барча кадрларимизнинг муҳим вазифаси шуки, улар замонавий ишлаб чиқаришни замонавий методлар билан бошқаришни ўрганиб олишлари керак. Бошқарув назарияси ва практикаси масалаларига, шунингдек янги техникани жорий қилиш масалаларига етарли эътибор бермаслик натижасида илмий-техникавий ва иқтисодий ривожланиш, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши суст суръатда қолиши мумкин. Биз бунга йўл қўймаслигимиз лозим.

Энг яхши илмий натижаларни ва прогрессив технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳозирги замон шароитида биринчи даражали аҳамиятга эга. Фан-техника тараққиётининг олдинги марраларида бўлиш учун бизда зарур имкониятларнинг ҳаммаси мавжуд: бизда ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк бўлиши билан бирга хўжаликкинг планли системаси, қудратли илмий ва ишлаб чиқариш базаси, талантли кишилар — олимлар, инженерлар, техниклар, юқори малакали ишчилар бор. XXIV съезд қўйган вазифани — фан-техника революцияси муваффақиятларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан узвий пайванд қилиш вазифасини муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин ва лозим.

Фан-техника тараққиётини тезлаштириш бошқарув ходимлари ва олимларнинг, мутахассисларнинг, олимлар ва колхозчиларнинг муштарак ишидир. Биз бугун мамлакат, ҳар бир республика ёки иқтисодий район, тармоқ ва корхона миқёсида иқтисодий ислоҳотни амалга ошира бориб, партия съездининг қарорларига мувофиқ ишлаб чиқариш коллективларини зўр ғайрат билан ишлаш кўзда тутилган планлар тизишга, янги ва юқори сифатли маҳсулот чиқаришга йўллайдиган, энг яхши фан-техника муваффақиятларини қўлланишдан манфаатдор қиладиган иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни қидиришимиз, вужудга келтиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак.

Ўртоқлар! Коммунистик қурилишнинг бутун тарихи олга ҳаракат қилиб борганимизга сари совет халқининг социал-сиёсий бирлиги мустаҳкамланаётганлигини, жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфининг роли ўсиб бораётганлигини яққол исбот этади. Ана шу қонуннят аввало, Коммунистик партиянинг фаолиятида, унинг изчил синфий сиёсатида, оммага қилаётган доимий раҳбарлигида намоён бўлмоқда. Партия жамиятни ишчилар синфининг социалистик манфаатлари ва коммунистик идеаллари негизида жипслаштирмоқда, совет кишиларини ишчилар синфининг революцион анъаналари ва ахлоқи руҳида тарбиялямоқда.

Партиянинг бу ишни ажойиб самаралар берапти. Коммунизм ишига садоқат, меҳнатда ғайратшижоат ва сиёсий активлик, коллективчилик ҳис-туйғулари, мешчанликка ва обивателликка нисбатан қаҳр-ғазаб ва нафрат билан қараш жамиятдаги барча табақаларнинг, ҳамма миллатларга ва авлодларга мансуб бўлган совет кишиларининг фазилати бўлиб қолмоқда.

Партия ривож топган социалистик жамиятнинг буюк қўламларига кўп миллионларнинг коллектив заковати билан раҳбарлик қилмоқда, бу жамиятнинг имкониятларга марксча-ленинча позицияда туриб баҳо бермоқда ва бундан кейинги ҳаракатнинг бош истиқболини белгилаб чиқмоқда. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг, барча партия ташкилотларининг бу қарорларни амалга ошириш соҳасида собит қадамлик билан бажараётган ишлари бизнинг партиямиз ишчилар синфининг, совет халқининг сиёсий авангарди ролини шараф билан бажараётганлигини яна бир марта исбот қилади. Ўзига нисбатан юксак даражада талабчан бўлган партия давлат бошқармасининг барча бўғинларига нисбатан, меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари ишига нисбатан талабчанликни оширмоқда.

Октябрь вужудга келтирган ижтимоий тузум — чинакам халқ ҳокимияти тузумидир. Бу тузумнинг демократик табиати меҳнаткашлар депутатлари Советларида ўзининг энг ёрқин ифодасини топади. Уларнинг бурчлари доираси ғоят кенгдир. Улар кичик посёлка аҳолисининг кундалик эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилишдан тортиб, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган катта миқёсдаги проблемаларни, шу жумладан табиатни қўриқлаш каби проблемаларни ҳам ҳал этмоқдалар. XXIV съезд.нинг кўрсатмаларига мувофиқ Советларнинг фаолияти бутун чоралар билан кучайтирилмоқда. Советлардаги ҳар бир бўғиннинг тўқизинчи беш йиллик планни амалий равишда бажариш соҳасидаги иши юксак даражага кўтарилмоқда. Советлар депутатлари статуси тўғрисида яқинда қабул қилинган Қонун ҳам бунга кўп жиҳатдан ердам беради. Ана шу Қонунда белгиланган қоидаларнинг амалга оширилиши совет демократиясини ривожлантиришда катта қадам бўлиб, халқ сайлаган вакилларнинг обрўси ва активлигини янада кўпроқ оширади.

Партия касаба союзларига, комсомолга ва бошқа оммавий ташкилотларга доим таяниб иш кўрмоқда, уларнинг ижтимоий ишларни ҳал этишга меҳнаткашларни тобора кенг жалб этишлари, коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишда меҳнаткашларнинг ташаббусини ва уюшқоқлигини оширишга ёрдам беришлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

Партия коммунистларни, барча совет кишиларини большевистик принципиаллик руҳида тарбиялямоқда. Ўз меҳнатининг натижаларига таниқий назар солишга, эришилган ютуклар билан қаноатланмай, ҳозирги кунда кечагидан кўра яхшироқ, кўпроқ ишлаш учун интилишга ўргатмоқда.

Партия омма билан ўз алоқаларини тинмай мустаҳкамлаяпти, ишчилар синфининг, колхозчи, деҳқонларнинг ва халқ зиёлиларининг, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлаяпти. Социалистик тузумнинг кучи ана шунда. Шундай бирлик бор экан, биз асло енгилмаймиз!

II. КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ХАЛҚАРО ЙЎЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШДА

В. И. Ленин партиямизга тинчлик учун, уруш хавфига қарши тинмай кураш олиб бориш керак, халқларнинг социал ва миллий озодлигига бутун чоралар билан ёрдам бериш керак, деб васият қилган эди.

КПСС XXIV съезди белгилаб берган йўл, бу съезд ишлаб чиқан тинчлик программаси ҳозирги босқичда ташқи сиёсат ленинча принципларининг амалий ифодасидир. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бу программани амалга ошира бориб, конкрет ижобий таклифларни ўртага қўйдилар. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасида социалистик мамлакатлар ташқи сиёсати билан мувофиқлаштириб олиб бораётган фаолияти барча прогрессив тинчликсевар кучларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли кескинликни анча юмшатишга эришилди, тинч-тотув яшаш принципи давлатлар ўртасидаги муносабатлар практикасига чуқурроқ сингиб бормоқда.

Биз ССР Иттифоқи ташкил этилган кунинг 50 йиллиги арафасида Октябрь йиллигини нишонлар эканмиз, зўр ифтихор билан шуни қайд қила оламизки, совет миллий-давлат қурилиши практикасида синовдан ўтган пролетар интернационализми социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг қонуни, умумий тараққиётимизнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Қардош мамлакатларнинг янги жамият қурилишида, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган давлатларнинг социалистик хўжалик интеграцияси комплекс программасини амалга оширишда эришган муваффақиятлари, уларнинг ташқи сиёсий фаолияти мустаҳкам мувофиқлаштириб олиб борилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси социализмнинг позициясини кучайтиради, унинг халқаро нуфузини тобора оширади. Социализм жаҳон жараёнларининг боришига тобора катта таъсир кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома кучга кирди. Польша Халқ Республикаси билан ГФР ўртасида тузилган шартнома каби бу шартнома ҳам Европа давлатларининг уруш ҳавфини ва ҳарбий можаро ҳавфини камайтиришга, Европадаги вазиятни нормаллаштиришга қўшилган ижобий ҳисса бўлди. Франция билан муносабатларимизда ҳамкорликнинг, шу жумладан сиёсий соҳадаги ҳамкорликнинг юксак даражасига эришилди. ГФР билан муносабатларимизни тубдан яҳшилаш манфаатлари йўлида кўп иш қилинмоқда. Бизнинг Финляндия билан, Скандинавия мамлакатлари билан, Австрия, Италия билан ва бошқа бир қанча давлатлар билан алоқаларимиз муваффақиятли суръатда ривожланиб бормоқда.

Ўзимизнинг Европа кенгаши қитъада ҳавфсизликни таъминлашда, ҳозирги босқичда Европада ҳамкорлик ғояларини амалга оширишда муҳим роль ўйнаши керак. Барча манфаатдор мамлакатлар бу кенгашни чақириш тўғрисида принципиал жиҳатдан келишиб олишди.

Кенгашнинг муваффақиятли ўтказилиши ҳуқуқий тенглик

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

(Боши 1 ва 2-бетларда)

Буларнинг ҳаммаси биздан ғоят ҳушёр бўлишни, Улуғ Октябрь ғалабаларини, социалистик Ватан хавфсизлигини астойдил қўриқлаётган Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлашни талаб этади.

Бизнинг мамлакатимиз — империалистларнинг агрессив кирдикорларига қарши курашнинг асосий таянчидир. «Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев, — социалистик, синфий, интернационал сиёсат бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Биз халқаро кескинликни юмшатиш тарафдоримиз. Бизнинг мустаҳкам тинчлик тарафдоримиз. Шунинг учун ҳам биз агрессия хуружларига, халқларнинг озодлик курашини бостириш, уларнинг ишларига аралашиш, уларнинг ҳуқуқларини бузиш йўлидаги ҳар кандай уринишларга кескин қарши чиқмоқдамиз».

Совет Иттифоқи қаҳрамон Вьетнам халқининг ,Лаос ва Камбоджа мард ватанпарварларининг АҚШ агрессиясига қарши курашини ҳамиша ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Вьетнамлик қардошларимизнинг жанговар руҳи, мустаҳкам сабот матонати, СССРнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг уларга бераётган иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ёрдами, барча революцион ва тараққийпарвар кучларнинг уларни қўллаб-қувватлаётганлиги натижасида империалистларнинг агрессияси ва Вьетнам халқига нисбатан зўравонлиги ҳеч қандай натижа бермайдиган бир иш бўлиб қолди.

Пролетар интернационализми ленинча принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Америка агрессиясига қарши, озодлик ва мустақиллик учун, ўз ватанининг тақдирини ўзи ҳал этиш учун олиб борилаётган курашни муваффақиятли суръатда тугаллаш йўлида Вьетнам ватанпарварларига бундан буён ҳам қўлидан келган ҳамма ёрдамни бераверади.

Кейинги вақтларда Вьетнам проблемасини ҳал этиш йўлида муайян қадамлар қўйилди. Парижда олиб борилаётган музокараларда Вьетнамда АҚШ томонидан бошлаб юборилган урушни тўхатиш тўғрисидаги битим ишлаб чиқилди. Аммо бу битим ўзаро келишиб олинган муддатларда имзоланмади. Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасининг бу масалада тутган ва ВДР ҳукуматининг 1972 йил 26 октябрь баёнотида ноҳор, қилинган позициясини қатъиян қўллаб-қувватлайди. Биз мазкур битим мумкин қадар тезроқ имзоланиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, Вьетнам ва Америка халкларининг манфаатларига, жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Совет Иттифоқи империалистик кучларнинг маданга таянаётган Исроилнинг экспансиячилик сиёсатига қарши кураш олиб бораётган араб халкларининг дўсти ва иттифоқчиси сифатида изчил ҳаракат қилмоқда. Биз Исроил қўшинларини босиб олинган барча араб территорияларидан тамомила олиб чиқиб кетиш, фаластин араб халкининг қонуний ҳуқуқларига риоя қилинишн учун бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз. Бу — Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг ягона йўлидир.

Бизнинг мамлакатимиз тараққийпарвар араб давлатлари билан дўстона алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқда. Миср бош министри А. Сиддқийнинг яқинда Москвага қилган визити, Совет—Миср дўстлиги муҳим омил эканлигини, ҳар иккала мамлакат халқларига хизмат қилаётганлигини ва бу дўстлик империализмга қарши курашнинг мустаҳкам манфаатларига асосланганлигини яна бир марта тасдиқлади. Кейинги вақтларда Сурия ва Ироқ билан ҳамкорлигимиз янада кўпроқ мустаҳкамланди. Совет Иттифоқининг бошқа бир қанча араб мамлакатлари билан муносабатлари муваффақиятли суръатда ривожланиб бормоқда. Империалистик кучлар ва уларнинг малайларининг Совет—Араб дўстлигига путур етказиш йўлидаги уринишлари барбод бўлмоқда.

Бу йил антиимпериалистик кучлар фронти тағин ҳам кенгайтирилган йил бўлди. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи, кенг демократик кучлари, Осиё ва Африкадаги ёш мустақил давлатлар, миллий озодлик ҳаракатининг жанговар отрядлари, Латин Америкасидаги тараққийпарвар мамлакатлар империалистик урушга ва халқларни эзиш сиёсатига қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун социалистик мамлакатлар билан биргаликда актив кураш олиб бормоқдалар.

Совет кишилари Чили халкига самимий хайрихоҳлигини изҳор қилмоқда ва уни қўллаб-қувватламоқда. Чили халқи империализм ҳамласига ва ички реакциянинг халқ бирлиги ҳукуматига қарши қўпорувчилик ҳаракатларига зарба бермоқда, мамлакатнинг мустақил тараққиёти учун, тўғри иқтисодий ислоҳотлар учун қатъий кураш олиб бормоқда.

Капитал мамлакатларида бирбирига қарши турган кучлар ўртасидаги зиддият кучайиб боряпти. Монополиялар халқ оммасининг ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатларига ҳужум қилмоқда. Ҳаддан ташқари кўп ҳарбий харажатлар, ишсизлик, нарх ва солиқларнинг доим ортиб бораётганлиги, инфляция меҳнаткашларни оғир кунларга дучор қилмоқда. Капитализмнинг асосий зиддияти — меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддият кескинлашиб бормоқда. Синфий жанглар қизғин тус олмоқда. Капиталистик эксплуатацияга ва реакцион сиёсатга қарши ҳаракат тобора кенг, жанговар тус олмоқда.

Капитализм замонамиздаги революцион кучларнинг қудратли сиқиғи остида найранг ишлатиб, янги шароитларга мослашиб олишга мажбур бўлди. Синфий курашнинг ҳарбий ва сиёсий соҳаларида империализмнинг найранг ишлатиш имкониятлари қисқара борган сари идеология фронтида капитализм билан социализм ўртасидаги кураш тобора кенг ривожланмоқда. Маълумки, бу борада тинч-тотув яшаш мумкин эмас. Замонамизнинг асосий масаласи — ижтимоий тараққиёт қандай йўллар билан боради, деган масала бу курашнинг диққат марказида турибди.

Буржуазия келажакдан қўрқиб, капитализмни бўяб кўрсатиш ва пардозлашга ҳамда оммани алдашга интилмоқда. Буржуазия назариячилари ва пропагандистлари капиталистик тузумнинг қандайдир «янги» моҳияти ҳақидаги, унинг «янги индустриал жамият»га ва ҳатто «тенг имкониятлар жамияти»га айланаётганлиги ҳақидаги ёлғон ва ёлқовлик ҳужумларини давом эттирмоқда. Ана шу ёлғон ва ёлқовлик ҳужумларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш воситасини эмиш. Ана шу сохта илмий фикрлар воқеликка тамомила зиддир. Мақтанилган «индустриал жамият» ўз зиддиятларини бартараф қила олмайди. Бу жамият социал антогонизмларни тобора кенгайтираверади, холос.

Буржуа идеологларининг пропаганда ва назария соҳасидаги ҳамма найранглари социал революция зарур ва мумкин эканлиги тўғрисидаги қарашларни ҳам меҳнаткашлар оммасининг онгидан чиқариб ташлашга қаратилган. Аммо жаҳон, монополистик капитал мадҳоларининг сохта таҳминлари билан эмас, балки Маркс, Энгельс, Ленин кашф этган қонунларга мувофиқ ривожланмоқда. Социализм капитализм ўрнига келадиган ва ҳаёт тасдиқлаган бирдан бир реал ҳақиқатдир.

Ижтимоий тараққиётнинг эксплуататорлик тузумни ер юзидан супириб ташлаб ,жаҳонни ўзгартиришдан иборат марксча программани амалга оширишга қодир бўлган асосий кучи ишчилар синфи эканлигини «янги капитализм» идеологлари яхши билишади, albатта. Уларнинг ишчилар синфи уюшқоқлиги ва жипслиги олдида даҳшатга келаётганлигининг боиси шу, уларнинг ишчилар синфига жон-жаҳдлари билан ҳужум қилаётганлигининг ҳам боиси шу.

Антикоммунизм назариячилари буржуазиянинг социал заказини бажариб, ишчилар синфи революцион ғайрат-шижоатидан, «маҳрум бўлиб қолди», деган ёлғон ёйдиларини ишга солмоқдалар. Улар ҳатто ишчилар билан корхона эгаратли восита эмиш. Ана шу сохта илмий фикрлар воқеликка тамомила зиддир. Мақтанилган «индустриал жамият» ўз зиддиятларини бартараф қила олмайди. Бу жамият социал антогонизмларни тобора кенгайтираверади, холос.

Буржуа идеологларининг пропаганда ва назария соҳасидаги ҳамма найранглари социал революция зарур ва мумкин эканлиги тўғрисидаги қарашларни ҳам меҳнаткашлар оммасининг онгидан чиқариб ташлашга қаратилган. Аммо жаҳон, монополистик капитал мадҳоларининг сохта таҳминлари билан эмас, балки Маркс, Энгельс, Ленин кашф этган қонунларга мувофиқ ривожланмоқда. Социализм капитализм ўрнига келадиган ва ҳаёт тасдиқлаган бирдан бир реал ҳақиқатдир.

Ижтимоий тараққиётнинг эксплуататорлик тузумни ер юзидан супириб ташлаб ,жаҳонни ўзгартиришдан иборат марксча программани амалга оширишга қодир бўлган асосий кучи ишчилар синфи эканлигини «янги капитализм» идеологлари яхши билишади, albатта. Уларнинг ишчилар синфи уюшқоқлиги ва жипслиги олдида даҳшатга келаётганлигининг боиси шу, уларнинг ишчилар синфига жон-жаҳдлари билан ҳужум қилаётганлигининг ҳам боиси шу.

Антикоммунизм назариячилари буржуазиянинг социал заказини бажариб, ишчилар синфи революцион ғайрат-шижоатидан, «маҳрум бўлиб қолди», деган ёлғон ёйдиларини ишга солмоқдалар. Улар ҳатто ишчилар билан корхона эгаларининг, эксплуатация қилинувчилар билан монополистларнинг «социал шерикчилиги мавжуд» деган даъволарни ҳам рўёқ қилмоқдалар. Мафкура майдонида буржуазия малайларининг кузатган конкрет сиёсий мақсади — меҳнаткашларни бир-бирларидан ажратиб юборишдан, уларда синфий тушкунлик кайфиятини вужудга келтиришдан, монополийлар ҳужуми олдида уларни таслим бўлишга мажбур этишдан иборат. Социал-реформизм раҳбарлари, ўнг ва «сўл» оппортунистлар, ҳар хил ниқобдаги ревизионистлар бу соҳада айниқса зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Аммо ҳаёт буржуазия ва унинг идеологларининг мўлжалларини рад этмоқда. Иш ташлаш ҳаракатининг кучайиб кетганлиги, ишчилар синфининг сиёсий етуклиги ва ишчилар синфи сафларининг жипслашиб бораётганлиги уларнинг курашга қатъий бел боғлаганлигини тасдиқлайди. Ҳужумкор синф ва унинг коммунистик авангарди меҳнаткашлар озодлиги учун курашчи, социал революциялар байроқдори бўлишдек ўз интернационал бурчини шараф билан бажариб келдилар ва бажармоқдалар.

Халқаро коммунистик ҳаракат антиимпериалистик фронт барча отрядларининг бирлигини мустаҳкамлашда етакчи роль ўйнайди. Жаҳондаги воқеаларнинг бориши империализмга қарши курашда ҳаракат бирлиги платформаси — коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилдаги халқаро кенгаши илгари сурган платформанинг сафарбар қилувчи кучини ва самарадорлигини яққол кўрсатиб берди. КПСС замонамизнинг энг актив ва энг таъсирчан сиёсий кучи бўлмиш коммунистик ҳаракатнинг марксча-ленинча ғоявий-сиёсий жипслиги учун бундан буён ҳам тинмай курашаверади.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари КПССнинг халқаро фаолиятини, партия Марказий Комитетининг ташқи сиёсий ишлари ва ташаббусини қизғин маъқуллашмоқдалар ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Коммунистик партиянинг доно сиёсати туфайли совет кишиларининг тинч меҳнати мустаҳкам таъминланди, коммунизм йўлидан олға қараб муваффақиятли ҳаракат қилиб бориш учун бутун шарт-шароит вужудга келтирилди. Совет Иттифоқининг дадил, принципиал, чинакам интернационалистик сиёсати халқларнинг туб манфаатларига мосдир. Партия ленинча ташқи сиёсий йўлни бундан буён ҳам оғишмай ўтказаверади, ер юзида тинчлик ишини зўр қатъият билан ҳимоя қилаверади, барча меҳнаткашларнинг озодлиги ва бахти учун курашаверади.

* * *

Ўртоқлар! Октябрь ғояларига содиқ бўлган совет халқи бу ғояларни сабот-матонат ва изчиллик билан рўёбга чиқармоқда. Коммунистик ғояларнинг енгилмас қудратли кучи ҳозирги куннинг буюк ҳақиқатларида, халқларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлигида, планетамизда социализмнинг зафарли одимларида намоён бўлмоқда.

Ўзининг синалган авангарди КПСС илҳомлантираётган ва раҳбарлик қилаётган кўп миллатли совет халқи революцион Ленин иши учун илғор курашчининг тарихий бурчини бажаришдек шарафга муяссар бўлганлигидан фахрланиб, комил ишонч билан коммунизм йўлидан олға бормоқда.

Яшасин қаҳрамон совет халқи!

Яшасин социализм ва коммунизм курилишининг ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(Ўртоқ К. Т. Мазуровнинг доклади зўр диққат билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди).

ЯГОНА ОИЛАДА

Ўзбекистон пойтахтида улуғ революцион байрам байроқлари ҳилпираб турибди. Шаҳарнинг байрам либосида иккита рақам— бир-бири билан боғланган иккита буюк сана—«55» ва «50» рақамлари кўп марталаб кўзга ташланади.

Тошкент меҳнаткашлари пролетар революциясининг 55 йиллигини ва кўп миллатли Совет Иттифоқининг олтин юбилейини бутун мамлакат билан биргаликда КПСС XXIV съездининг қарорларини, Коммунистик партиянинг улуғвор планларини муваффақиятли амалга ошириш учун фидокорона кураш олиб бораётган, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг буюк кучини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатаётган бир шароитда кутиб олмоқдалар.

А. Навоий номли театр ёрқин байрам либосида. Шонли традицияга кўра, 6 ноябрь кечқурун бу ерга меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари, Тошкент гарнизонининг жангчилари келишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, С. Р. Расулов, С. У. Султонова ҳамда партия, совет ва жамоат ташкилотларининг бошқа раҳбарлари, революция ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, Октябрь олди социалистик мусобақасининг ғолиблари мажлис президиумидан жой оладилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. А. Козимов очади.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фахрий президиумга зўр якдиллик билан сайланади.

Улуғ Октябрнинг 55 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаховнова сўз берилади.

Совет кишилари ҳар йили нишонлаётган ёрқин ва қувончли байрамлар орасида Улуғ Октябрь алоҳида ўрин олади, дейди докладчи. Шундай бўлиши ҳам табиий, чунки Октябрь революцияси жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик бўлган воқеадир. У жаҳон капиталистик системасини таг-томири билан ларзага келтирган ғоят кучли социал портлаш бўлди. Ҳозирги дунё бундан ярим аср бурунги дунёга асло ўхшамайди. Ҳозирги дунё марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш ғояларини ўтказаётган самаралн таъсир остида яшаб, ривожланмоқда.

Ўртоқ Мусаховнов Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи эришган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларни батафсил тавсифлаб берди. Октябрь революцияси ғалаба қилиб, Совет ҳокимияти ўрнатилгандан бери Коммунистик партия ва Совет ҳукумати иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг, ўлкалар, областларнинг, бутун мамлакатнинг экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама, комплекс ривожлантириш йўлини оғишмай ўтказиб келмоқдалар.

Совет Социалистик Республикаларининг ҳар бири ленинча миллий сиёсат изчиллик билан оғишмай амалга оширилаётганлиги халқларнинг тақдирига нақадар самарали таъсир этганлиги ва этаётганлигини кўрсатувчи мисол бўла олади. Бунга Ўзбекистон ҳам ёрқин мисолдир. Бир авлоднинг умри давомида Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби ўзбек халқи ҳам капитализмни четлаб социализмга зўр қадам ташлаб ўтди. Қисқа муддат ичида юксак даражада ривожланган саноат вужудга келтирилганлиги Ўзбекистонда социализм ғалабасининг жуда муҳим якуни бўлди.

Республика қишлоқ хўжалигида ҳам тубли ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг асосий пахта кони.

Мамлакатдаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентдаги йиғилишида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг айтган гаплари пахтакорларнинг ижодий активлигини ва меҳнат ғайратини ғоят ошириб юборди. Байрам арафасида республика давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини бажарди.

Докладчи совет ташқи сиёсатининг муваффақиятларини айтиб ўтди, мустаҳкам тинчлик ва коллектив хавфсизлик учун, халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик учун, халқлар эркинлиги ва мустақиллиги учун курашнинг кенг ва чуқур асосланган программаси жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Ўртоқ М. М Мусаховнов докладини тамомлаб айтдики, барча совет халқлари шонли Октябрнинг 55 йиллигини кутиб олар эканлар қўлга киритилган ғалабалар билан ҳаклн равишда фахрланадилар. Бугун совет кишиларининг фикр-зикри, ижодий ғайрати коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратилмоқда. Партия режаларининг амалга оширилиши бизни буюк мақсадга, марксизм-ленинизм ғояларининг тўла-тўкис тантана қилишига тағин ҳам кўпроқ яқинлаштиради. (ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Андижанводстрой» трести коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан икки ой олдин бажарди. Йил охиригача топшириқдан ташқари яна камида уч миллион сўмлик ҳар хил ишлар бажарилади.

«Сирдарьяирисстрой» трестига қарашли биринчи қўчма механизациялашган колоннанинг, «Ферганаводстрой» трестига қарашли иккинчи қурилиш-монтаж бошқармасининг, «Зангстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг ва «Сурханводстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг, «Сурхансовхозводстрой» ишлаб чиқариш-қурилиш бирлашмасининг, «Наманганводстрой» трестига қарашли учинчи қўчма механизациялашган колоннанинг, «Спецмонтажводстрой» трестига қарашли бешинчи қўчма механизациялашган колоннанинг қурувчилар — ирригаторлар бўлинмалари ҳам йиллик планни адо этдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1972 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан ССР Иттифоқи Министрлар Совети Ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР давлат мукофоти комитети тақдим этган рўйхатни кўриб чиқиб, 1972 йилги СССР давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қиладилар:

1.

ФАН СОҲАСИДА

1. Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги, Белоруссия ССР Фанлар академияси физика институтининг директори, иш раҳбари Борис Иванович Степановга, шу институтнинг ходимлари физика-математика фанлари кандидатлари лабораторияси мудири Анатолий Иванович Рубиновга, кичик илмий ходим Василий Андреевич Мостовниковга — 1964—1971 йилларда эълон қилинган мураккаб органик бирикмали эритмаларда оптик генерация ҳодисаларини тадқиқ этиш ҳамда шу ҳодисалар асосида нурланиш частотаси спектрининг кенг соҳасида равон қайта созланувчи янги типдаги лазерларни яратиш борасидаги ишлар цикли учун.

2. Физика-математика фанлари доктори, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг профессори, иш раҳбари Анатолий Филиппович Тулиновга, шу университетнинг доценти, физика-математика фанлари кандидати Юрий Владимирович Меликовга, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети ядро физикаси илмий тадқиқот институтининг ходимлари — физика-математика фанлари кандидати, катта илмий ходим Вацловас Станиславович Куликаускасга, етакчи инженер Григорий Аркадьевич Иферовга, катта инженер Григорий Павлович Похиягa, С. М. Киров номли Урал политехника институтининг доценти, физика-математика фанлари кандидати Арий Александрович Пузановга, С. М. Киров номли Қозғистон давлат университетининг доценти, физика-математика фанлари кандидати Бэла Габдулганиевна Ахметовага, бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Саркис Аршавирович Карамянга, — ядро реакцияларида монокристалларда соя ҳодисасини кашф этганликлари ва тадқиқ қилганликлари учун.

3. Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги Евгений Алексеевич Барбашинга, — 1967—1970 йилларда эълон қилинган автоматик ростлаш системалари турғунлиги проблемаларига доир ишлар цикли учун.

4. СССР Фанлар академияси В. И. Вернадский номли геохимия ва аналитик химия институтининг ходимлари, лаборатория мудири, академик Иван Павлович Алимарингa, директор ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Юрий Александрович Золотовга, техника фанлари доктори, катта илмий ходим Михаил Сергеевич Чупахинга, химия фанлари кандидати, лаборатория мудирининг ўринбосари Юрий Всеволодович Яковлевга, давлат нодир металл саноати илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг лаборатория мудираси, химия фанлари кандидати Валентина Гавриловна Горюшинага, шу институтнинг лаборатория мудири, химия фанлари доктори Всеволод Васильевич Недлерга, Бутуниттифоқ химиявий реактивлар ва алоҳида соф химиявий моддалар илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири, химия фанлари доктори Евгений Александрович Божевольнийга, — ғоят мусаффо металлар, ним ўтказгич материаллар ва химиявий реактивларни анализ қилиш назарияси ва янги физик-химик методларини ишлаб чиққанликлари учун.

5. Химия фанлари доктори Николай Михайлович Чирковга, — газ фазали узлуксиз реакциялар, суюқ фазали кислота — асосий реакциялар кинетикаси ҳамда олефинни полимеризациялаш ва сополимеризациялаш процесслари соҳасидаги ишлар цикли учун.

6. СССР Фанлар академияси геология институти директорининг ўринбосари, геология-менералогия фанлари доктори Петр Петрович Тимофеевга, — 1969—1970 йилларда эълон қилинган «Жанубий Сибирь Юра кўмирли формациялари геологияси ва фрациялари» ва «Жанубий Сибирь Юра кўмирли формацияси ва унинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари» деган икки китобдан иборат монографияси учун.

7. СССР Фанлар академияси микробиология институти бўлимининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Николай Александрович Красильниковга, — 1950—1970 йилларда эълон қилинган актиномицетлар ва ўлардан амалда фойдаланиш илмий асосларига доир ишлар цикли учун.

8. Иш раҳбари, академик Николай Иосифович Конрадга, Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг доцента, филология фанлари кандидати Святослав Витальевич Неверовга, СССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг катта илмий ходимлари филология фанлари доктори Константин Алексеевич Поповга, филология фанлари кандидати Николай Александрович Сиромятниковга, филология фанлари доктори, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Наталья Исаевна Фельдман-Конрадга, собиқ Москва шарқшунослик институтининг катта муаллимаси Марианна Самойловна Цинга — 1970 йилда эълон қилинган икки жилдли «Катта японча—русча луғат» учун.

9. В. В. Докучаев номли тупроқ институти лабораториясининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Алексей Андреевич Родга — 1965 ва 1969 йилларда эълон қилинган икки жилдли «Тупроқ намлиги тўғрисидаги таълимот асослари» монографияси учун.

10. Н. Э. Бауман номли Москва олий техника мактабининг ходимлари, иш раҳбари, кафедра мудири, техника фанлари доктори Владимир Викторович Солодовниковга, кафедра мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Евгений Павлович Поповга, доцент, техника фанлари доктори Виктор Владимирович Семеновга, бошқариш (автоматика ва телемеханика) проблемалари институти лабораторияларининг мудирлари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Александр Михайлович Летовга, техника фанлари доктори Георгий Михайлович Улановга, шу институтнинг бўлим мудири, академик Борис Николаевич Петровга, СССР Фанлар академияси ҳисоб маркази лабораториясининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Гермоген Сергеевич Поспеловга, Москва полиграфия институти кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Вильям Викторович Казакевичга, Москва инженерлик-физика институти кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Лев Тимофеевич Кузингa, Серго Оржоникидзе номли Москва авиация институти кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Вячеслав Вячеславович Петровга, илмий-тадқиқот институти секторининг бошлиғи, техника фанлари доктори , Юрий Иванович Топчеевга, Ф. Э. Дзержинский номли ҳарбий инженерлик академиясининг илмий консультанти, техника фанлари доктори Александр Степанович Шаталовга, — 1967—1969 йилларда эълон қилинган тўрт китобдан иборат «Техник кибернетика. Автоматик ростлаш назарияси» инженерлик монографиялари туркуми учун.

11. Техника фанлари доктори Владимир Тихонович Реннега, — электр конденсаторлар назарияси, уларни ҳисоблаш ва қуриш соҳасидаги ишлар цикли учун.

2.

ТЕХНИКА СОҲАСИДА

1. Иш раҳбарлари — медицина фанлари доктори, врачлар малакасини ошириш марказий институти кафедрасининг мудири Валентин Александрович Поляковга, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Н. Э. Бауман номли Москва олий техника мактаби кафедрасининг мудири Георгий Александрович Николаевга , Н. Н. Приоров номли травмотология ва ортопедия марказий илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Мстислав Васильевич Волковга, медицина фанлари кандидати, врачлар малакасини ошириш марказий институтининг доценти Григорий Георгиевич Чемяновга, техника фанлари кандидати, Н. Э. Бауман номли Москва олий техника мактабининг доценти Владимир Иванович Лошчиловга, медицина фанлари доктори, И. М. Сеченов номли Москва биринчи медицина институтининг профессори Владимир Иванович Петровга, медицина фанлари кандидати, СССР Фанлар академиясининг И. П. Павлов номли физиология институти катта илмий ходими Валерий Павлович Лебедевга, — синиш, ортопедик ва торакал операциялардан сўнг суякларни ультратовуш воситасида бириктириш, суяк касалликлари ва суяк қусурларида суяк тўқимасини тиклаш методларини, шунингдек тирик биологик тўқималарни ультратовуш воситасида кесиш методларини ишлаб чиққанликлари ва клиник практикада қўлланганликлари учун.

2. Ярославль мотор заводининг ходимлари—бош металлург Иван Федорович Ҳаросимовга, бош инженер ўринбосари Ростислав Николаевич Арсеньевга, директор Анатолий Михайлович Добринингa, бош инженер Виталий Алексеевич Долецкийга, бош конструктор ўринбосари Валериан Васильевич Зеленовга, директор ўринбосари Алексей Александрович Ивановга, махсус конструкторлик бюросининг бош конструктори Алексей Дмитриевич Комаровга, техник наладчик Вадим Евгеньевич Костерингa, бош конструктор, техника фанлари кандидати Георгий Дмитриевич Чернищевга, партия комитетининг секретари Юлий Алексеевич Шчегловга, Ярославль ёқилғи аппаратлари заводининг директори Лев Геннадьевич Соколовга, автомобиль ва автомотор марказий илмий тадқиқот институти секторининг раҳбари, техника фанлари кандидати Сергей Борисович Чистозвоновга, — кўп мақсадларга мўлжалланган унификация қилинган ЯМЗ моторлари туркумини яратганликлари, шундай моторларни юксак даражада механизациялашган усулда ишлаб чиқаришни ташкил этганликлари, сифатини назорат қилиш системасини ишлаб чиққанликлари ва жорий қилганликлари учун.

3. Махсус конструкторлик бюросининг бош конструктори, - иш раҳбари академик Андрей Николаевич Туполевга, бош конструктор ўринбосари Исаак Борисович Иосиловичга, бош конструктор ўринбосари Леонид Леонидович Селяковга, шу конструкторлик бюросининг ходимлари — техника фанлари кандидати, етакчи конструктор Владимир Михайлович Вулга, бош инженер ўринбосари Владимир Прокофьевич Николаевга, бригада бошлиғи Борис Сергеевич Ивановга, бўлима бошлиғи Никонович Каштановга, авиация заводининг директори Борис Алексеевич Хохловга, моторсозлик заводининг директори Михаил Ивановича Субботингa, конструкторлик бюроси бош конструкторининг ўринбосари Василий Феодосьевич Беляевга, граждан авиацияси авиаотрядининг собиқ командири Борис Павлович Бугаевга, илмий тадқиқот институтининг етакчи конструктори Станислав Данилович Драгуновга, — «ТУ-134» тезучар пассажир самолёти ва унинг хилларини яратганликлари учун.

4. А. А. Жданов номли «Красное сормово» заводининг ходимлари — техника фанлари кандидатлари директор Михаил Афанасьевич Юрьевга, бош конструктор Альберт Абрамович Животовскийга, бош технолог Георгий Николаевич Лотовичга, махсус конструкторлик бюроси лойиҳасининг бош конструктори Георгий Данилович Зиненкога, собиқ цех бошлиғи Борис Петрович Шайдаковга, Волгоград кемасозлик заводининг директори Виктор Иванович Турбингa, министрлик бош бошқармасининг бош мутахассиси Юрий Евгеньевич Грибановга, министрлик бошқармасининг бошлиғи Дмитрий Дмитриевич Покровскийга, теплоход капитанлари Леонид Лазаревич Хотькинга, Александр Васильевич Петровга, танкер капитани Александр Петрович Ильинга, Волга-Дон дарё пароходчилигининг бошлиғи Виктор Львович Успенскийга, — аралашга дарё ва денгизда сузаверадиган янги классдаги кемалар яратганликлари ва уларни кўплаб қурабошлаганликлари ҳамда ташқи савдо ва ички иттифоқ йўлларида юкларни бўшатмай юқори самара билан ташишни амалга оширганликлари учун.

5. Илмий тадқиқот институти лабораториясининг бошлиғи, иш раҳбари, техника фанлари доктори Юрий Романович Носовга, шу институтнинг ходимлари — техника фанлари кандидатлари, лабораторияларнинг бошлиқлари Александр Борисович Гитцевичга, Марк Борисович Цибульниковга, техника фанлари кандидати, бош инженер Игорь Иванович Кругловга, етакчи инженерлар Нина Васильевна Постниковага, Ольга Ивановна Семкинага, бўлим бошлиғи Станислав Владиславович Фронкга, бюро бошлиғи Любовь Яковлевна Марковниковага, ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг ходимлари — бош инженер Эдуард Петрович Калошкинга, завод бўлими бошлиғининг ўринбосари Ким Фахруллович Фазлеевга, ним ўтказгич асбоблар заводи махсус конструкторлик бюроси секторининг бошлиғи Антуанетта Афанасьевна Эноваяга, физика математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси радиотехника ва электроника институти бўлимининг мудири Сергей Григорьевич Калашниковга, — ним ўтказгич импульсли диодлар ва диод матрицаларини илмий-техникавий ишлаб чиққанликлари, кўплаб чиқариш технологиясини яратганликлари ва халқ хўжалигида кенг кўламда жорий этганликлари учун.

6. «Карагандауголь» комбинатининг бошлиғи, иш раҳбари Петр Михайлович Трухинга, шу комбинатнинг ходимлари — бош инженер Шугайпек Тўлавбекович Тўқмагамбетовга, техника фанлари кандидати, бошқарма бошлиғи Петр Кузьмич Матонинга, «Северная» шахтаси комплекс бригадасининг бошлиғи Василий Николаевич Богдановга, Костенко номли шахта директори Николай Сергеевич Гульницкийга, техника фанлари кандидати, В. И. Ленин номли шахта директори Николай Александрович Дриждга, «Мойқудуқ» шахтаси участкасининг бошлиғи Алексей Никифорович Канга, «Шаханская» шахтаси тозалаш забойининг кон ишчиси Калим Карженовга, «Волинская» шахтасининг бош механиги Яков Иванович Мартиновга, «Михайловская» шахтасининг директори Халитгали Аскарович Хальфинга, техника фанлари кандидати Қарағанда кўмир илмий тадқиқот институтининг директори Юрий Людвигович Худинга, техника фанлари кандидати, шу институт директорининг ўринбосари Майжан Мукушевич Мукушевга, — Қарағанда кўмир ҳавзасида серунум кўмир қазиб чиқариш технологиясини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари, комплекс механизация воситаларини қўлланиш базасида ишлаб чиқаришни концентрация қилганликлари учун.

7. Бутуниттифоқ пармалаш техникаси илмий тадқиқот институтининг директори, техника фанлари доктори Асан Нури Абдулла ўғлига, нефть ва газ саноати бош Тюмень ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Виктор Иванович Муравленнога, шу бошқарманинг ходимлари бошлиқ ўринбосари Мидхат Назифуллович Сафиуллинга, бош инженер ўринбосари Валентин Георгиевич Гришинга, бўлим бошлиқлари, техника фанлари кандидати Марат Оттович Кристга, Александр Никифорович Воеводага, бош механик Виктор Николаевич Коломацкийга, Урай пармалаш ишлари бошқармасининг бошлиғи Авзалиддин Гиззатуллович Исангуловга, Ғарбий Сибирь давлат пармалаш ишлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Василий

(Давоми 4-бетда).

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1972 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 3-бетда).

Виссарионович Рехвиашвилига, шу бирлашманинг бош инженери Аҳад Кабирович Сабирзяновга, Стрежевский пармалаш ишлари бошқармасининг пармалаш мастери Василий Григорьевич Калиничукка, Нижневартовский пармалаш ишлари бошқармасининг бошлиғи Валентин Иванович Хлюпинга, — мураккаб табиий-иқлимий шароитларда Ғарбий Сибирь нефть конларини пармалашда юксак суръатлар бўлишини таъминловчи техник-технологик ва ташкилий ечимлар комплексини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари ҳамда нефть қазиб чиқарилувчи янги районни жадал суратда яратганликлари учун.

8. Электросталь оғир машинасозлик заводининг ходимлари — директор Евгений Степанович Бондаренкога, бош конструктор Василий Макарович Ямпольскийга, техника фанлари кандидати, конструкторлик бюросининг бошлиғи Игорь Константинович Тарковскийга, техника фанлари кандидати, группа раҳбари Петр Михайлович Финагинга, цех бошлиғи Павел Кириллович Ловчиковга, техника фанлари доктори, Москва пўлат ва қотишма институти кафедрасининг мудири Петр Иванович Полухинга, техника фанлари доктори, шу институтнинг профессори Иван Николаевич Потаповга, Бутуниттифоқ металлургия машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институти бўлимининг бош конструктори Лев Дмитриевич Дмитриевга, техника фанлари доктори, Бутуниттифоқ сиртқи машинасозлик институти кафедрасининг мудири Владимир Яковлевич Осадчийга, Первоуральскдаги Новотрубний заводининг директори Федор Александровича Даниловга, шу завод цех бошлиғининг ўринбосари Евгений Александрович Беловга, техника фанлари кандидати, Челябинск трубопрокат заводи цехининг бошлиғи Феликс Давидович Могилевкинга — иссиқ ҳолда ясалувчи қувур ишлаб чиқаришда винт ҳолида прокат қилувчи янги технологик процесслар ва станларни яратганликлари ва кенг кўламда жорий қилганликлари учун.

9. Златоуст металлургия заводининг ходимлари — техника фанлари кандидатлари, лаборатория бошлиғи Юрий Владимирович Герасимовга, лаборатория бошлиғининг ўринбосари Стефан Калинович Филатовга, директор Олег Мстиславович Чехомовга, бош электрометаллург Николай Васильевич Сидоровга, Бутуниттифоқ авиация материаллари илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Иван Петрович Бармотинга, техника фанлари кандидати, Челябинск металлургия заводининг директори Николай Алексеевич Тулинга, СССР Қора металлургия министрлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари Константин Павлович Бакановга, И. Ф. Тевасян номли «Электросталь» заводи бош инженерининг ўринбосари Лев Константинович Косиревга, техника фанлари кандидати, Урал қора металл илмий тадқиқот институти лабораториясининг бошлиғи Николай Никифорович Власовга, техника фанлари кандидати, И. П. Бардин номли қора металлургия марказий илмий тадқиқот институти лабораториясининг бошлиғи Анатолий Федорович Каблуковскийга, техника фанлари доктори, Москва пўлат ва қотишма институтининг профессори Григорий Наумович Ойксга, техника фанлари кандидати, Челябинск металлургия илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири Григорий Иосифович Черновга — масъулиятли вазифаларга аталган юксак даражада легирланган пўлат ва қотишмаларни печсиз инерт газ билан ишлов бериш орқали уларни эритиш технологиясини тубдан такомиллаштиришдаги ва сифатини оширишдаги ишлари учун.

10. Воронеж керамика буюмлари заводининг собиқ бош инженери Александр Яковлевич Анпиловга, давлат бинокорлик керамикаси илмий тадқиқот институтининг ходимлари — техника фанлари кандидатлари, сектор раҳбари Маркс Самуилович Белопольскийга, лабораториялларнинг раҳбарлари Пейса Иосифович Беренштейнга, Анна Семеновна Красноусовага, директор ўринбосари Ефим Лазаревич Рохваргерга, лойиҳалаш конструкторлаш бюросининг бош конструктори Адам Бенцович Хижга, техника фанлари кандидати, Минск бинокорлик материаллари комбинатининг собиқ директори Виктор Леонтьевич Бильдюкевичга, шу комбинатнинг слесари Иван Моисеевич Потерайченкога, Кучинск керамик безак материаллар комбинатининг ишлаб чиқариш бошлиғи Владимир Леонтьевич Дорожкинга, шу комбинатнинг собиқ бош инженери Яков Борисович Киршенбаумга, техника фанлари кандидати, Харьков плита заводининг директори Геннадий Андреевич Солдатовга, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги бошқармасининг бошлиғи Владимир Иванович Добужинскийга — керамик плиталари ишлаб чиқариш янги технологик процессларини илмий техник жиҳатдан ишлаб чиққанликлари, автоматлашган поток конвейер линияларини яратганликлари ва жорий қилганликлари учун.

11. Техника фанлари доктори, Ленинград совутиш саноати технология институти кафедрасининг мудири Николай Алексеевич Головкинга — қарийб криоскопик температураларда озиқ-овқат маҳсулотларини совитиб консервалаш назарияси ва практикасини ишлаб чиққанлиги учун.

III ОЛИЙ МАКТАБЛАР ДАРСЛИКЛАРИ УЧУН

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Москва озиқ-овқат саноати технологик институтининг профессори Вацлав Леонович Кретовичга — 1970 йилда эълон қилинган (5-нашр) «Усимлик биокимияси асослари» дарслиги учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари Л. БРЕЖНЕВ.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. КОСИГИН.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1972 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ № 229 МОСКВА ШАҲРИ.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг жангчилари, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар инсоният бугун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллигини байрам қиладилар.

Бизнинг Ватанимиз бу шонли санани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кунинг 50 йиллиги арафасида нишонламоқда. Юбилей йилида экономика, фан ва маданият янада юксалди, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ошди, тўқкизинчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди.

Қардош социализм мамлакатларининг халқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати муттасил ошиб бормоқда.

КПСС XXIV съезди илгари сурган ташқи сиёсий йўлни амалга оширишда муҳим натижаларга эришилди. СССРнинг принципиал, изчил ташқи сиёсати Совет давлатининг, жаҳон социализмининг, миллий озодлик ҳаракатининг туб манфаатларига мос бўлиб, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга актив ёрдам бермоқда. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи империализмнинг агрессив сиёсатига қатъиқ зарба бермоқда. Халқларнинг озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқда.

Айни вақтда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, армия ва флотнинг жанговар қудратини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Совет Армияси — давлатимиз халқлари кўп миллатли онласининг қардошлик ва дўстлик армиясидир. Унинг жангчилари ўз Ватанига, коммунизм ишига чексиз содиқдирлар. СССР қуролли кучлари Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг армияларн билан бир сафда бориб, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга доим шай бўлиб турибдилар.

Армия ва флот жангчилари. ўртоқлар, сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги билан табриклайман ва жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда, жанговарлик маҳоратини такомиллаштиришда, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллигини нишонлаш учун буюраман:

Бугун, 7 ноябрда маҳаллий вақт билан соат 20 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон Москва шаҳрида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин бизнинг кўп миллатли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин Улуғ совет халқи ва унинг қаҳрамон Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ

А. ГРЕЧКО.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1972 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва Давлат мукофотлари бўйича СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифини кўриб чиқиб, СССРнинг 1972 йилги давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилади:

1. Латвия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Валдис Карлович Албергсга, архитектор Дзинтарс Янович Дрибага, архитектор Гунарс Рудольфович Лусис-Гринбергга — латиш қизил ўқчиларининг Рига шаҳридаги музей-ёдгорлиги учун.

2. Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, архитектор Ханиф Аликсидрарович Алекскеровга архитектор Алескер Нурали ўғли Хусаиновга, ҳайкалтарош Иброҳим Исмоил ўғли Зайноловга, ҳайкалтарош (марҳум) Нижод Мирюсуф ўғли Мамедовга — 26 Боку комиссарлари хотираси учун Боку шаҳрида қурилган мемориал ансамбль учун.

3. Сценарийлар автори Юрий Иванович Аликовга, Украина ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Феликс Михайлович Соболевга, оператор Леонид Федорович Прядкинга — Киев илмий-оммабоп фильмлар студияси ишлаб чиқарган «Жониворларнинг тили» ва «Жониворлар ҳам ўйлайдими?» каби илмий оммабоп фильмлар учун.

4. Ёзувчи Рамз Бобожонга (Рамз Носирович Бобожоновга) «Обиҳаёт» поэмаси учун.

5. СССР Халқ рассоми Борис Ефимович Ефимовга — 1970-1971 йиллардаги сиёсий плакатлари ва карикатуралари учун.

6. Бошқирдистон халқ шоири Мустай Каримга (Мустафо Сафич Каримовга) — «Йиллар изидан» шеърлар китоби учун.

7. Молдавия ССР халқ артисти, ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Владимир Козьмович Курбетга, Молдавия ССР халқ артисти, балет солистласи Татьяна Давидовна Усачга, Молдавия ССР халқ артисти, балет солисти Иван Дмитриевич Фуникага, Молдавия ССРда хизмат кўрсатган артист, балет солисти Борис Васильевич Филипчукка — Молдавия ССРнинг хизмат кўрсатган давлат халқ рақс ансамбли «ЖОК»нинг 1970-1971 йиллардаги концерт программаси учун.

8. СССР халқ артисти, режиссёр Борис Иванович Ровенских (Ровенскихга), рассом Василий Георгиевич (Юрьевич) Шапорингга, РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Павел Корчагин ролини ижро этган Алексей Васильевич Локтевга — А. С. Пушкин номидаги Москва драма театрида қўйилган «Драматик қўшиқ» спектакли учун.

9. РСФСР халқ артисти, режиссёр Наталья Ильинична Сацга — Москва Давлат болалар музикали театрида қўйилган «Уч бақалоқ», «Паҳлавон бола», «Опа-сингиллар» спектакллари учун. (Болалар учун яратилган адабиёт, санъат асарлари учун).

10. Авторлар коллективининг раҳбари, архитектор Юлиан Львович Шварцбреймга, архитектор, Валентина Яковлевна Эдемскаяга, инженер-конструктор Николай Васильевич Топилинга, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор, инженер-бинокор Петр Устинович Карповга — Сочи шаҳридаги цирк биносининг архитектураси учун.

11. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Родион Константинович Шчедринга — «Ленин халқ қалбида» ораторияси ва «Фақат муҳаббатгина эмас» (музикаси саҳнага мослаб янгидан ишланган) операси учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари Л. БРЕЖНЕВ.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. КОСИГИН.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Урганчда Хоразм область партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Кузги дала ишларини тугаллаш, янги қишлоқ хўжалик йилига тайёргарлик кўриш ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пахта териш ва уни давлатга топшириш мусобақасида ғолиб чиққан Хоразм областига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Ш. Р. Рашидов область меҳнаткашларини мусобақада ғалаба қозонганлиги билан қизғин табриклаш ва уларга янги-янги муваффақиятлар тилади.

Партия активи йиғилиши пахта, шоли мўл ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш, область хўжаликларида планларни ва мажбуриятларни сўзсиз бажариш тадбирларини белгилади.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ УЛКАН КЕНГАШИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси мамлакатдаги пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши тўғрисида кинорепортаж чиқарди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежнев билан бўлган учрашувнинг тўлқинлантирувчи эпизодлари бу фильмнинг асосий қисмини ташкил этади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «оқ олтин» ижодкорларига қарата сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон меҳнаткашлари қабул қилган юксак мажбуриятлар экранда баралла янграйди.

Улкан пахта хирмони учун олиб борилаётган курашга бағишланаётган коллектив репортаж ана шу фильмнинг давоми бўлади. Олти республиканинг ҳужжатли фильм ходимлари ана шу фильмни суратга олмоқдалар. (ЎзТАГ).

СУРАТЛАРДА: (чапдан) область шифохонасининг умумий кўриниши. Врач ва ҳамшираларидан бир группаси.

А. АБАЛЯН фотолари.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

АНДИЖОН областининг пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юболейини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин, 4 ноябрда, Улуғ Октябрь байрами арафасида шараф билан бажардилар.

Андижон области Ватанга 550 минг тоннадан кўпроқ биринчи нав пахта топширди. Бу — халқ хўжалик планидагидан 50 минг тонна кўп. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтарилди.

Андижон областининг деҳқонлари мамлакатга яна 50 минг тонна «оқ олтин» беришга ва пахта етиштиришни 600 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

* * *

СИРДАРЁ область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб ва СССР ташкил топган кунинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёрланиб, катта ғалабага эришдилар. Улар давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни 1972 йил 4 ноябрда бажардилар. Ватан хирмонига 500 минг тоннадан зиёд, халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 90 минг тонна ва 1971 йилда тайёрланганидан 26 минг тонна ортиқ «оқ олтин» топширилди.

Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда 50 минг тонна пахта топшириш ва тайёрланадиган пахтанинг жами миқдорини 550 минг тоннага етказишни мўлжалладилар.

САБЗАВОТКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1972 йил 1 ноябргача давлатга сабзавот-полиз маҳсулотлари ва картошка сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва савхозлар ўртасида социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областига, Тошкент областининг Калинин районига, Наманган область, Наманган районидаги Тельман номли колхозга, шу областнинг Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» совхозига ва Қашқадарё областидаги «Китоб» совхозига берилди.

„КАПИТАЛ"НИНГ УЧИНЧИ ТОМИ НАШР ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти Улуғ Октябрнинг 55 йиллигига ажойиб совға тайёрлади: нашриёт К. Марксннинг асари «Капитал»нинг учинчи томини нашр этди.

«Капитал»ни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетининг филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ўзбек тилига таржима қилиб берди.

(ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун область «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ойбек номли совхоз (директор вазифасини бажарувчи, бош агроном **Жўраев**, партия ташкилотининг секретари **Сонбназаров**, ишчилар комитетининг раиси **Стамқулова**, комсомол ташкилотининг секретари **Бозорбоев**, бош инженер **Сайфиев** ўртоқлар).

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

Мичурин номли колхоз (раиси **Иномов**, партия ташкилотининг секретари **Сарибоев**, касаба союз комитетининг раиси **Коценко**, комсомол ташкилотининг секретари **Янглишбоев**, бош агроном **Жабборов**, бош инженер **Шералиев** ўртоқлар).

Карл Маркс номли колхоз (раиси **Очилов**, партия ташкилотининг секретари **Акимбоев**, касаба союз комитетининг раиси **Коратбоев**, комсомол ташкилотининг секретари **Шербеков**, бош агроном **Назаров**, бош инженер **Парпиев** ўртоқлар).

ТОШКЕНТ „КИСЛОВОДСКИЙ"СИ

Колхоз марказида қад ростлаган ҳашаматли корпус узоқдан кўзга яққол ташланиб турибди. Катта асфальт йўл сизни шу бинога олиб боради. Ичкарига кирасиз-у, баҳридилингиз очилиб кетади. Йўлкалар четларида гулзорлар. Боғнинг этагига боргунча мевазор. Унинг ёнидан анҳор оқиб ўтади. Ён-атроф баҳо, гўзал!

Ҳа, бу ерда шифобахш даргоҳ жойлашган. Бу — Тошкент область бальнеологик-физиотерапия шифохонаси. Тўғри, бу касалхона аввал Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз шифохонаси сифатида танилганди. Аммо, ўшанда бу ерда ўринлар кам, бино саҳни тор эди. Қўшимча қурилишлар олиб борилди. Боғ кенгайтирилди. У 4 гектар майдонни ташкил этди. Шундан сўнг, у область миқёсидаги катта шифохонага айлантирилди. Республикамиздаги курортологик шифобахш даргоҳларнинг бири бўлиб қолди.

— Минерал сув ваннаси қабул қилиш кенг йўлга қўйилади, — дейди шифохонанинг бош врачи Б. Серекбоев. — Шунинг учун бир неча ваннахоналар ажратилди. Улар ёнида душхоналар ҳам бор. Бир кунда бир йўла 300 киши ванна қабул қилиши мумкин.

Балчиқхонага ҳам алоҳида хоналар ажратилди. Балчиқнинг шифобахш хусусиятлари минерал сувникидан қолишмайди.

Бу ерда бир йўла тўртта бўлим ишлайди. Булар — неврология, бод, ошқозон-ичак касалликлари ва гинекология бўлимларидир. Физиотерапия кабинети замонавий медицина асбоб-ускуналари билан тўла таъминлади. Бу ерга ультратовуш, электр уйқу бахш этадиган аппаратлар ўрнатилди.

Область касалхонасида ўз касбининг моҳир усталари бўлган шифокорлар меҳнат қилишади. Ҳ. Ҳамидова, Н. Мусаева, Е. Ким, А. Сатторов каби врач ва ҳамширалар кўп йиллик тажрибага эгадир.

Шифохонани очишга пухта тараддуд кўрилди. Куни кеча — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги арафасида область бальнеологик-физитерапия шифохонасининг очилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Митингни область ижроия комитетининг раиси ўртоқ С. Асомов очди. Янги шифохонанинг ташкил топиши партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари сиҳат-саломатлиги йўлида қилаётган буюк ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир, — деди ўртоқ С. Асомов. Бу шифохона областимиздаги энг йирик касалхона сифатида иш олиб боради.

Свердлов номли колхознинг собиқ раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Д. Ким тўпланганларга қарата илиқ сўзлар билан мурожаат қилди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри ўртоқ Қ. Зоиров шифокорларни янги даргоҳ билан қизғин қутлади. Область касалхонасининг бош врачи ўртоқ Б. Серекбоев ҳам сўзга чиқди.

... Областимиздаги йирик янги шифохона ўз эшикларини кенг очди. Бу ерда областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидан келган беморлар дардларига малҳам топадилар.

Шифохона келгусида янада кенгаяди, қўшимча корпуслар қурилади. Янги бўлим ва лабораториялар иш бошлайди.

Ана ўшанда келсангиз, бу ернинг чинакам медицина шаҳарчасига айланганлигининг шоҳиди бўласиз.

А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.45 — Рангли телевидение. В. И. Ленин номли майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллигига бағишланган Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг намойиши ва ҳарбий парад. Кўрсатув охирида фильм-концерт.

МОСКВА КУРСАТАДИ

12.50 — Рангли телевидение. Москва Қизил Майдони. Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 55 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.30 — Кўрсатувлар программаси. 16.35 — Болалар учун мультфильм.

Ўзбек тилида: 16.45 — Болалар учун. «Ассалом, Октябрь». Адабий-музикали композиция. 17.25 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 17.35 — Рангли телевидение. «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 18.25 — «Партия йўлбошчимиз» (рус тилида). 18.40 — «Ахборот» информацион программаси. 18.50 — Берта Давидова, Холисхон Қодирова, Ҳадя Юсупова куйлайдр. 19.40 — Рангли телевидение. «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи». Ўзбекистон ССР. 21.25 — «Даврамизга марҳабо». Катта байрам концерти.

23.15 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

23.15 — «Қизил майдон». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси (ўзбек тилида).

КИНО

19 лар комитети — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Оловнинг бўйсундирилиши — «СПУТНИК», «УЗБЕКИСТОН», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли. «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 2 да, кеч соат 8.40 минутда).

Қопқон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун). «ВОСТОК» (эрталаб соат 10 да, кундуз соат 2 да, кеч соат 6, 10 да).

Мени топгин Леня! — «ВОСТОК» (кундуз соат 12, 4 да, кеч соат 8 да).

Шер қабри — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 5 да, кеч соат 7 да).

Қароқчи-қариялар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

8 ноябрь кундуз соат 1 да

9 ноябрь кеч соат 7 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«А» класс II группа командаларининг хоккей бўйича чемпионатининг очилиши.

«ЮЖНИЙ УРАЛ» (Орск) — «СПАРТАК» (Тошкент) командалари учрашади.

Кассаларда хоккей мавсумига абонементлар ва билетлар сотилмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697.
Р. 03790 Б. 1675.